

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил 6 май куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья О.Илхомжонов, судлов ҳайъати судьялари Ф.Эргашев ва М.Абидовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Л.Абдураззоқовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Шарипов, судланувчи Б.Каюмов ва унинг адвокати Ш.Мамадалиевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2025 йил 13 мартдаги ҳукмига кўра судланган: Каюмов Бахтиёр Ходжиевич (Kayumov Baxtiyor Xodjiyevich), 1974 йил 17 март куни Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, иш учун аҳамиятли бўлган даврда “Kroun raff” МЧЖ ҳамда “Candy terama” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаган, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро туман судининг 2008 йил 10 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро шаҳар судининг 2011 йил 11 майдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари, 209-моддаси 2-қисми “а” банди, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазодан 2012 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан озод этилган;

3) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2017 йил 2 октябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси  
2-қисми  
“в” банди билан 14.977.500 сўм жарима жазоси тайинланган;

4) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 7 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан, ЖК 59,62-моддалари тартибида 47.395.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ тўланган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Г.Алиев кўчаси, 50А-уйда яшаган, иш бўйича “камोकқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2024 йил 5 декабрдан камокда сақланаётганга



нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Миробод туман прокурори томонидан келтирилган апелляция протестига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2025 йил 13 мартдаги ҳукмига кўра, Каюмов Бахтиёр Ходжиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган турли хилдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазо манзил колонияларда ўтатириш белгиланиб, жазони ўташ муддати 2024 йил 5 декабрдан бошлаб ҳисобланган.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Каюмов Бахтиёр Ходжиевичдан Тошкент шаҳар Миробод туман ДСИ орқали давлат бюджети фойдасига 748.248.000 сўм моддий зарар ундирилиши;

Ундирув тергов жараёнида Тошкент шаҳар прокуратураси депозит ҳисоб-рақамига 2024 йил 20 ноябрдаги 866850-сонли мемориал ордерга асосан тўланган 11.500.000 сўм маблағлар ҳамда Б.Каюмовга тегишли бўлган ва жами 786.048.000 сўмга баҳоланган 11 турдаги товар моддий бойликларга қаратилиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, Б.Каюмов 2022 йил 24 ноябрда Миробод тумани Давлат хизматлари марказидан 2022273-сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва юридик манзили Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Темирйўлчилар МФЙ, Темирйўлчилар кўчаси, 50А-уй манзилида жойлашган “Kroun Raff” МЧЖни ўзининг ягона таъсисчилиги ва раҳбарлигида ташкил қилиб, ушбу жамият раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларини қасдан бузиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш ва мулкий манфаат кўриш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли Қарори ҳамда 2011 йил 17 ноябрдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сонли қарори талабларини бузиб, 2023 йил июнь ойида жамиятга кирим қилинмаган 1.152.000.000 сўмлик товар-моддий бойликларни ҳисоб-фактура орқали сотиб юбориб, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, мазкур



товар-моддий бойликлари савдосини амалга оширгани натижасида Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан ушбу товар-моддий бойликлари текинга олинган мол-мулк сифатида баҳоланиши натижасида 172.800.000 сўмлик фойда солиғини, шунингдек “Kroun Raff” МЧЖ устав жамғармаси амалда шакллантирилмаган бўлсада, 2023 йилда асосиз равишда устав жамғармасини камайтириш мазмунида ўзининг номига очилган пластик картасига 906.100.000 сўм маблағларни жамият ҳисоб-рақамидан ўтказиб олиб, Солиқ кодексининг 377-моддасига асосан солиқ тўловчининг бошқа даромадлари сифатида ҳисобланиши натижасида 108.800.000 сўмлик даромад солиғини, жами 281.600.000 сўм жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, Б.Каюмов ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, 2022 йил 7 ноябрда Миробод тумани, “Темирўлчилар” МФЙ, Темирўлчилар кўчаси, 50а-уй юридик манзилида “Candy Terama” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб, жамият раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларини қасддан бузиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш ва мулкый манфаат кўриш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли Қарори ҳамда 2011 йил 17 ноябрдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сонли қарори талабларини бузиб, 2023 йил апрель-декабрь ҳамда 2024 йил давомида жами 1.623.800.000 сўмлик товар-моддий бойликларини нақд пулга реализация қилиб, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, мазкур товар-моддий бойликлари савдосини амалга оширгани натижасида Солиқ кодексининг 299-моддасига асосан ушбу товар-моддий бойликлари текинга олинган мол-мулк сифатида баҳоланиши натижасида 194.856.000 сўм қўшилган қиймат солиғини, 2023 йил март ойида 873.000.000 сўмни жамиятнинг ҳисоб-рақамидан ўзининг шахсий пластик картасига тегишли солиқларни тўламасдан ўтказиб, ўз манфаатларида ишлатиб, 12 фоизли солиқ ставкада 2023 йил учун 104.760.000 сўм миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини, шунингдек, жамиятнинг ҳисоб рақамидан 2023 йил 6 мартда нақд пул кўринишида 496.000.000 сўмни ўз манфаатларида ишлатиб, 12 фоизли солиқ ставкада 2023 йил учун 59.520.000 сўм жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини, шунингдек 2023 йилдаги фаолияти давомида жамиятга кирим қилинмаган 1.735.714.200 сўмлик маҳсулотларни реализация қилиб, солиқ ҳисоботида акс эттирмаслик орқали бюджетга тўланиши лозим



бўлган 107.580.000 сўм фойда солиғини, жами жуда кўп миқдордаги 466.716.000 сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Миробод туман прокурори апелляция протестида, биринчи инстанция суди томонидан ЖПКнинг 467-моддаси талаблари тўлиқ бажарилмаганлиги, яъни ҳукмнинг тавсиф қисмида жиноятнинг мақсадлари кўрсатилмаганлиги ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган далилий ашё ёки ёзма далилларнинг тақдирини муҳокама қилмаганлиги сабабли, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириб, қонун талабларига мувофиқлаштириш сўралган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича судья М.Абидовнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шариповнинг туман прокурори протестини қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини, судланувчи Б.Каюмов ва унинг адвокати Ш.Мамадалиевнинг протестини қаноатлантиришни ҳамда ЖКнинг 57-моддасини кўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб берган фикрларини тинглаб, апелляция протестидаги важларни атрофлича муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини батафсил ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судлов ҳайъати Б.Каюмовнинг жиноят содир этишдаги айби, ҳужжатли тафтиш далолатномалари, банк айланма маблағлари маълумотлари ҳамда дастлабки тергов давомида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Биринчи инстанция суди Б.Каюмовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми ва 184-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди судланувчи Б.Каюмовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларига амал қилиб, унинг айбига қисман иқрорлигини, унинг шахсини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи



ҳолат сифатида, судланувчи айбининг шаклини ва даражасини, иш бўйича моддий зарар қопланмаганлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, сўнгра унга ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати иш бўйича аниқланган моддий зарарнинг қопланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллашни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судлов ҳайъати апелляция протестида келтирилган важлар билан қуйидаги асосларга кўра келишмайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 467-моддасида айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жинойий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозимлиги, ҳукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилиши, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбнинг бир қисми асосиз деб топилган тақдирда ёки жиноятнинг тавсифи нотўғрилиги аниқланганда эса айбловни ўзгартириш асослари ва сабаблари кўрсатилиши белгиланган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчи Б.Каюмов Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларини қасдан бузиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш ва мулкий манфаат кўриш мақсадида, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан қасдан бўйин товланганлиги кўрсатилган бўлиб, ЖПКнинг 467-моддаси талабларига тўлиқ бажарилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 467-моддасида ҳукмда, шунингдек жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилиниши: ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилиши ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилиши белгиланган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ҳамда уларнинг ҳал этилиши юзасидан таққослаш далолатномасида бирор бир ашёвий далил кўрсатилмаган, шунингдек дастлабки тергов ва суд томонидан бирорта ҳужжат ёки бошқа нарсани ашёвий далил деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган.



Шу сабабли жиноят ишида ашёвий далиллар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосан, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, апелляция протестини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>17</sup>, 26, 31-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2025 йил 13 мартдаги Каюмов Бахтиёр Ходжиевичга нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция протести қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья**

/имзо/

**О.Илхомжонов**

**Ҳайъат судьялари:**

/имзо/

**Ф.Эргашев**

/имзо/

**М.Абидов**

**Аслига тўғри, судья:**

**Маърузачи: Абидов Мирзиёд Мирджолитдинович**

